

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**



**ОЛИЙ ИҚТИСОДИЙ ТАЪЛИМНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ:
ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР, УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАР
ВА ИСТИҚБОЛЛАР**

халқаро илмий-услубий анжумани

ТЕЗИСЛАР ТЎПЛАМИ

19 - 20 март

**MODERNIZATION OF HIGHER ECONOMIC EDUCATION:
CHALLENGES, PRIORITIES AND PROSPECTS**


*Theses of the International
scientific-methodical conference*

March 19-20

ТОШКЕНТ- 2007

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ



**ОЛИЙ ИҚТИСОДИЙ ТАЪЛИМНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ: ДОЛЗАРБ
МАСАЛАЛАР, УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАР
ВА ИСТИҚБОЛЛАР**

халқаро илмий-услубий анжумани

ТЕЗИСЛАР ТЎПЛАМИ

19 - 20 март

ТОШКЕНТ- 2007

Тахрир хайъати:

и.ф.д., проф. Ходиев Б.Ю., и.ф.д., проф. Махмудов Н.М.,
и.ф.д., проф. Бекмуродов А.Ш.

Такризчилар:

и.ф.д., проф. Беркинов Б.Б., и.ф.д., проф. Рашидов Ў.Ю.,
и.ф.д., проф. Бегалов Б.А.

“Олий иқтисодий таълимни модернизациялаш: долзарб масалалар, устувор йўналишлар ва истиқболлар” халқаро илмий-услубий анжуманинг маърузалар тўплами. (19-20 март 2007 йил) Тошкент, ТДИУ нашриёти, 2007 йил, - 420 бет.

“Олий иқтисодий таълимни модернизациялаш: долзарб масалалар, устувор йўналишлар ва истиқболлар” халқаро илмий-услубий анжуманинг маърузалар тўпламига Тошкент давлат иқтисодиёт университети, хорижий олий ўқув юртлари ҳамда республикамиздаги бошқа олий ўқув юртларида фаолият олиб бораётган профессор-ўқитувчилар ва амалиётчи мутахассисларнинг маърузалари киритилган.

Тўпланда мамлакатимизда олий иқтисодий таълимни модернизациялаш, кадрлар касбий махоратини ривожлантириш, олий таълим тизимида ахборот коммуникация технологиялари ҳамда замонавий педагогик технологияларни жорий этиш масалалари, олий иқтисодий таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг узвий интеграцияси муаммолари, халқаро ва олий ўқув юртлари орасидаги кадрлар тайёрлаш ва илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш каби таълимнинг долзарб масалалари борасида фикр юритилади.

Ш.Р. Холмўминов,

и.ф.д., проф., ТДИУ проректори

**Олий таълим муассасаларида ижтимоий ҳимояни ташкил этишнинг
илмий – услубий асослари**

Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислохатлар шароитида кам таъминланган аҳоли қатламларини, моддий ёрдамга муҳтож кишиларни ижтимоий ҳимоя қилиш давлат сиёсатининг муҳим йўналишидир. Шунинг учун ҳам ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётининг асосий тамойилларидан бири Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганларидек, «Энг муҳими, ёрдамга эҳтиёж сезиб яшайдиган оилалар ва одамларнинг барчасига

бир кўз билан қарамасдан, балки ҳар бир тоифанинг ўзига хос қийинчилиги ва дарди, гаму ташвишларини яқиндан ўрганиб, бу эҳтиёжларни кондирришга кўлимиздан келганча ҳаракат қилишимиз керак» ҳисобланади.

Ўзбекистон давлат бюджетининг социал соҳа ва аҳолини ижтимоий кўллаб-қувватлашга қаратилган умумий харажатлари 2006 йилда 51 фоизни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич келгуси йилда 54,1 фоизни ташкил этади. Кам таъминланган, ёш болали оилаларга бериладиган ижтимоий нафақалар учун мўлжалланган харажатлар миқдори эса 2007 йил бюджетда 7 фоизни ташкил этмоқда.

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида Олий таълим муассасаларининг кам таъминланган профессор-ўқитувчилари, талабалар ва хизматчи ходимларни ижтимоий муҳофаза қилиш бўйича Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнат муҳофазаси тўғрисида»ги қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ҳомийлар ва шифокорлар йили дастури тўғрисида»ги қарори, Республика таълим ва фан ходимлари Марказий касаба уюшмаси билан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг «Ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш ва профессор-ўқитувчи, ходим ва талаба-ўқувчиларни ижтимоий ҳимоялашни кучайтириш ҳақида»ги қўшма қарорлари каби меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилган ва улар изчиллик билан амалга оширилмоқда.

2005 йилда вазирлик тасарруфидаги олий таълим муассасаларининг 70620 нафар кам таъминланганларни аниқ йўналтирилган ижтимоий муҳофаза қилиш мақсадида 787,02 млн. сўмлик маблағ моддий ёрдам сифатида сарфланди. Жумладан, 16940 нафар профессор-ўқитувчиларга 333,4 млн. сўмлик ва 8756 нафар талабаларга 123,4 млн. сўм моддий ёрдамнинг турли кўринишларида берилди. Ушбу маблағлар таълим муассасаларини бюджетдан ташқари маблағлар ва тадбиркорлик фаолияти тушумлари ҳисобидан тўланди.


Бундан ташқари 72,9 млн. сўмлик (9566 кишига) кишлоқ хўжалик маҳсулотлари, 29,9 млн. сўмлик (3454 кишига) дори-дармон, 81,1 млн. сўмлик (2016 кишига) транспорт чипталари моддий ёрдам сифатида берилди.

Вазирлик тасарруфида 22 та санаторий-профилакторий мавжуд бўлиб, 2005 йилда қадар уларда 4925 киши, шу жумладан 3719 нафар талаба, 1206 нафар профессор-ўқитувчи ва хизматчи ходимлар ўз соғлигини тикладилар.

Шунингдек, вазирлик тасарруфидаги олий таълим муассасаларида 25 та ёзги спорт-соғломлаштириш масканлари мавжуд бўлиб, ўтган йил ёз мавсумида 6716 нафар профессор-ўқитувчи ва талабалар ўз соғлигини тикладилар. Дам олиш масканларида эса 1532 киши дам олиб, улардан 466 нафар киши профессор-ўқитувчи ва хизматчи ходимлар бўлса, 1066 нафари талабалардир. Умуман 2005 йил ёз мавсумида 13173 нафар профессор-ўқитувчи, хизматчи ходим ва талабалар, санатория-прафилактория, спорт-соғломлаштириш ва бошқа дам олиш масканларида ўз соғликларини тикладилар.

Ходимларни ижтимоий ҳимоя қилиш борасида Тошкент давлат иқтисодиёт университетида самарали тадбирлар амалга оширилмоқда. натижада 2003-2005 йилларда моддий ёрдам миқдори 1,6 мартага ортди.

ТДИУ бўйича 2005 йилда кам таъминланган талабалар, ўқитувчилар ва хизматчи-ходимларга кўрсатилган моддий ёрдамни тузилиши (%)



Унинг тузилишида етакчи ўринни байрамлар муносабати профессор-ўқитувчилар, ходимлар ва талабаларга берилган маблағлар етакчи ўринни эгаллайди (45%). Таҳлил шуни кўрсатадики, барча олий ўқув юртларидаги ижтимоий ҳимоя учун ажратилган маблағларда тадбиркорлик тушумларининг салмоғи паст. Махсус маблағлар сметасида эса бу тадбир учун алоҳида харажатлар жуда кам миқдорда режалаштирилган.

Бизнингча, махсус маблағлар сметасидаги I-гуруҳга ижтимоий ҳимоя харажатлари бўйича алоҳида модда киритиш лозим. Уларнинг миқдорини қуйидагича формула асосида аниқлаш лозим:

$$U_i(t) = M_{ij}(t) = \sum_{j=x}^n (I_{\text{бюджет}ij}(t) + I_{\text{конт}ij}(t) + I_{\text{тадб}ij}(t)) \quad (1)$$

Ижтимоий ҳимояга сарфланадиган тадбиркорлик маблағлари эса қуйидагича аниқланади:

$$I_{\text{тадб}ij}(t) = \sum_{j=1}^n (M_{ij}(t) - I_{\text{бюджет}ij}(t) - I_{\text{конт}ij}(t)) \quad (2)$$

Бу ерда:

i – ижтимоий ҳимояга мухтож i – категориядаги қатламлар;

j – ижтимоий ҳимояга сарфланадиган j – турдаги харажатлар;

t – вақт (йиллар);

$U_i(t)$ – ижтимоий ҳимояга мухтож i – категориядаги қатламларга сарфланадиган маблағлар миқдори.

$M_{ij}(t)$ – минимал истеъмол саватчасининг миқдори;

$I_{\text{бюдж}ij}(t)$ – ижтимоий ҳимояга бюджет маблағларидан сарфларининг миқдори;

$I_{\text{конт}ij}(t)$ – ижтимоий ҳимояга ўқитиш учун контракт маблағларидан сарфларининг миқдори;

$I_{\text{тадб}ij}(t)$ – ижтимоий ҳимояга тадбиркорлик маблағларидан сарфларининг миқдори.

Бу албатта, мураккаб ва муаммоли масала. Бу масалани ечимини топиш учун қуйидаги тадбирларни амалга ошириш лозим:

- тадбиркорлик асосида талабалар, профессор-ўқитувчилар ва хизматчи-ходимларнинг кам таъминланган қисмини ижтимоий ҳимоя қилиш, мақсадли комплекс дастурини ишлаб чиқиш ва уни изчиллик билан амалга ошириш;

- зарар келтириб ишлайдиган, лекин олий ўқув юртларининг фаолияти учун зарур бўлган бўлимлари (автохўжалик, босмахона, турли марказлар) фойда билан ишловчи объектларга айлантириш;

- бўш биноларни ижарага беришни кўпайтириш ўрнига, кўпроқ ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишни ташкил этиш. Бу эса талабларни ўқишда бўш вақтидан бандлигини ва уларни даромадини оширишга олиб келади;

- муомалада вақтинча бўш маблағлардан юқори фоизли дивидентлар олиш;

- даромад келтирувчи курслар ва марказларни ташкил этиш;

- хўжалик шартномалари асосида илмий-тадқиқот ишларини бажаришни ички танлов асосида амалга ошириш (худди товарлар сотиб олиш ҳолатидагидек);

- васийлар кенгаши фаолияти самарадорлигини ошириш негизида хомийлик маблағларини миқдорини кўпайтириш;

- хорижий ва маҳаллий инвестицияларни жалб қилишни жадаллаштириш.